SHU AZIZ VATAN BARCHAMIZNIKI!

ISTIQBOL

№ 32
(6184)
2025-yil
15-avgust
Juma

Gazetaning QR-kodi
www.zangiota-istiqbol.uz

Zangiota tumani hokimligi ijtimoiy-siyosiy gazetasi ❙ 1934-yil 10-iyuldan chiqa boshlagan

Ватан учун, миллат учун, халқ учун!



"Қаҳрамон" маҳалласининг ишбилармон одамлари ҳақида эшитиб, ўша ерга йўл олдик. Ҳар бир хонадон – алоҳида бир ҳикоя, ҳар бир инсон – ютуқ ва меҳнат тимсоли.

"ҚАҲРАМОН"НИНГ ҚАҲРАМОНЛАРИ

Маҳалладошлари орасида Дилмурод ака ва Гулчеҳра опанинг номлари алоҳида ҳурмат билан тилга олинади. Бу ҳовлига кирганингизда гўё яшил эртакка тушгандек бўласиз: тартибли йўлаклар, қатор-қатор ноёб арча кўчатлари ва ранг-баранг гуллар...

4





Туман Маънавият ва маърифат кенгаши томонидан 2025 йилнинг 7 ойи давомида амалга оширилган ишлар тўғрисида йиғилиш бўлиб ўтди.

Йиғилишда туман ҳокими ўрибосарлари, Маънавият ва маърифат кенгаши аъзолари ҳамда тегишли бўлим ва ташкилот раҳбарлари иштирок этишди.

МАЪНАВИЯТ БОШҚА СОҲАЛАРДАН ОЛДИНДА ЮРИШИ КЕРАК



► *Сарҳисоб, режалар...*

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги “Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5040-сонли қарори ижроси ва Зангиота тумани Маънавият ва маърифат кенгаши томонидан 2025 йилнинг 7 ойи давомида амалга оширилган ишлар тўғрисида туман ҳокимининг ўринбосари Сирожиддин Насировнинг ахбороти тингланди.

2

► *Депутатлар – ижтимоий соҳа объектларида*

ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИ ЯҚИН:
ҚУРИЛИШ, ТАЪМИРЛАШ ИШЛАРИ ҚАЙ ДАРАЖАДА?



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 24 декабрдаги "2025-2027 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-454-сонли қарорига асосан туманимизда реконструкция қилиниши белгиланган ижтимоий соҳа объектларида олиб борилаётган ишларни ўрганиш мақсадида 2-сайлов округи депутати А.Сайдаҳмедов ҳамда туман “Истиқбол” газетаси бош муҳаррири вазифасини бажарувчи Д.Шарипова билан биргаликда 2025 йилда Инвестиция дастурига киритилган объектларда бўлдик.

5

ШТАБ АЪЗОЛАРИ – ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАЛАРИДА



Зангиота тумани ҳокимининг 2024 йил 8 августдаги 133-10-138-Ф/24-сонли фармойишига асосан, ҳудуддаги саноат маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналар самарадорлигини ошириш бўйича махсус штаб ташкил этилган.

Куни кеча штаб аъзолари профиллар, электр симлари ҳамда антифриз маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи саноат корхоналарида бўлишди.

Ташриф давомида корхоналарнинг ишлаб чиқариш жараёнлари, технологик имкониятлари ва ишчи-ходимлар учун яратилган шароитлар ўрганилди. Тадбиркорлар билан очиқ мулоқот ўтказилиб, уларнинг фаолиятида учраётган муаммолар ва таклифлар тингланди.

Аниқланган масалалар тегишли мутасаддиларга етказилиб, уларни ҳал этиш бўйича чора-тадбирлар белгиланди.

Туман ҳокимлиги Ахборот хизмати.

ISTIQBOL

2025-yil 15-avgust / Juma / № 32 (6184)

МАЪНАВИЯТ БОШҚА СОҲАЛАРДАН ОЛДИНДА ЮРИШИ КЕРАК

– Кенгашнинг 2025 йил учун иш режаси 16 та банддан иборат бўлиб, шундан 13 та банд ижроси таъминланган ва 3 та банд ижроси назоратда, – деди нотиқ ўз сўзида. – Тумандаги 7 та ташкилотлар билан, жумладан, туман Ички ишлар бошқармаси, туман Фавқулотда вазиятлар бўлими, Алоқа ҳарбий институти, 22, 24, 46-сонли жазони ижро этиш муассасалари ва аёллар жазони ижро этиш муассасалари билан қўшма меморандум имзоланди. Туман миқёсидаги 40 та бўлим, ташкилотлар билан 2025 йил учун маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича икки томонлама “Йўл харита”си ишлаб чиқилди ва ижрога йўналтирилди.

Жорий йилнинг ўтган даври давомида 1425 та маънавий-маърифий, 250 та ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, 260 та миллий қадриятлар ва урф-одатларни тарғиб қилиш, 230 та ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, 160 та оилаларни мустаҳкамлаш, 145 та таълим-тарбия самарадорлиги, 220 та китобхонликни тарғиб этиш ва 160 та бошқа тадбирлар ташкил этилиб, уларда жами 25 650 нафар фуқаролар иштирок этишди.

Шунингдек, “Маърифат” тарғиботчилар аъзолари томонидан 250 дан ортиқ давра суҳбати, семинарлар, “Маънавият ва маърифат соати” тадбирлари ўтказилиб, 2 880 нафардан ортиқ давлат хизматчилари ва аҳолининг бошқа вакиллари қамраб олинди.

Туманда Ахборот-кутубхона маркази ва 3 та кутубхона филиаллар мавжуд бўлиб, улардаги китоблар фонди 38 819 тани ташкил қилади. Ахборот-кутубхона марказлари ва кутубхонларида жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 165 та маънавий-маърифий тадбирлар, 5 та ижодий учрашувлар, 25 та китоб тақдимотлари ўтказилди. Аҳолини китобхонликка кенг жалб қилиш, уларга қулайликлар яратиш мақсадида

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

туманда бугунги кунда 12 та китоб дўконлари аҳолига хизмат кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 19 январдаги “Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-92-сон қарорига мувофиқ тумандаги 24 та маҳалла фуқаролар йиғинлари биноларида кутубхоналар ташкил этилиб, маҳаллий ҳокимликлар, “Ёшлар жамғармаси” маблағлари ҳамда ҳомийлар ҳисобидан 5 мингдан ортиқ китоблар ҳарид қилинди.

Туман Маънавият ва маърифат кенгаши томонидан 7 ой давомида 10 та корхона-ташкилотлар, 3 та профессионал касб-ҳунар таълими, 12 та умумтаълим мактаби, 9 та мактабгача таълим ташкилотлари ҳамда 21 та маҳалладаги маънавий-маърифий ишлар ҳолати режа асосида ўрганилди.

Ўрганишлар давомида туман Ички ишлар бошқармаси, Фавқулотда вазиятлар бўлими, Солиқ, Мактабгача ва мактаб таълими, Тиббиёт бирлашмаси, Санитария-эпидемиологик осойишталиги ва жамоат саломатлиги марказларида маънавий-маърифий ишлар ҳолати яхши йўлга қўйилган бўлиб, ҳар ҳафтада тасдиқланган мавзулар бўйича “Маънавият ва маърифат соатлари” ўтказиб келинмоқда.

Бироқ, “Гаранд банк” АТБ, “Электр тармоқлари”, Ободонлаштириш бошқармаси, “Ипотека банк” АТБ, туман Камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлими, Йўл хўжалиги пудрат таъмирлаш-фойдаланиш давлат ташкилоти, “Сув оқава” давлат унитар корхонаси, "Иссиқлик манбаи" корхоналарида “Маънавият хонаси” учун алоҳида хона ажратилмаган, ҳаттоки, “Маънавият бурчаги” ҳам ташкил қилинмаган, шунингдек, маънавий-маърифий ишлар учун масъул тайинланмаган.

Тайинланган масъуллар ҳам маънавий-маърифий ишлар бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича аниқ тасаввурга эга эмас, соҳага оид Президент, Ҳукумат қарор ва фармонларидан, қонун ҳужжатларидан хабардор эмас. Ходимлар учун “Маънавият соати” ўтказилмаган, бир сўз билан айтганда, бу йўналишдаги ишлар ўз ҳолига ташлаб қўйилган.

Шунингдек, юқоридаги туман корхона-ташкилотларида жойлашган биноларнинг кириш қисми ва йўлакларда маънавий-маърифий соҳага оид тарғибот материаллари, йил номи акс этган баннер, бошқармаларнинг биносига киришда ва йўлакларда давлат рамзлари ҳамда давлат рамзларини акс эттирувчи плакатлар ва бошқа тарғибот воситалари ўрнатилмаган. Бу каби камчиликларни зудлик билан бартараф этиш керак. Чунки янги Ўзбекистонни қурарканмиз, маънавиятимиз ҳам юксалиши керак.

Президентимиз таъкидлаганларидек: ”Маънавият бошқа соҳалардан олдинда юриши, янги кучга, янги ҳаракатга айланиши керак”. Бунинг учун эса барчамиз биргаликда ҳаракат қилишимиз керак бўлади.

Йиғилишда сўзга чиққан туман Тиббиёт бирлашмаси бошлиғи Камолиддин Раҳимов, туман Мактабгача ва мактаб таълими бўлими мудири Илҳом Холмирзаевлар ўз жамоаларида амалга оширилаётган ишлар ҳақида гапириб ўтишди.

Йиғилиш якунида туман ҳокими Эркин Рустамов маънавий-маърифий соҳада амалга оширилиши лозим бўлган бир қатор вазифаларга тўхталаркан, Давлат раҳбари ҳамда ҳукумат томонидан берилган маънавий-маърифий соҳадаги барча топшириқ ва вазифалар юзасидан тегишли чора-тадбирларни белгилаб, вазифа ва топшириқларни амалга ошириш зарурлигини таъкидлади. Жумладан, масъуллар биргаликда икки ҳафта муддатда нотиқлик ва лидерлик қобилиятига эга ёшлар, иқтидорли талаба ва докторантлар, давлат стипендиатларидан иборат тарғибот гуруҳлари ташкил этади. Ижтимоий тармоқларда салбий тенденцияларга барҳам беришга қаратилган тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилади ҳамда тарғибот материалларини тайёрлаб, уларни оммалаштириш мақсадида жозибадор ва қизиқарли дастурларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилади.

Шунингдек, ташқи тарғибот воситалари мазмуни, сони, сифати ва жозибадорлигини замон талабларига мослаштириш ҳамда уларни энг оммабоп, кўришга қулай ва аҳоли серқатнов бўлган жойларга жойлаштириш, ўқувчиларни дарсдан ташқари вақтда шаҳарнинг диққатга сазовор жойлари, музей, театр ва ҳиёбонларга ташрифини ташкил этишнинг намунавий режасини битта мактаб мисолида ишлаб чиқиш, мактабгача таълим ташкилотлари ва умумтаълим мактабларини тарғибот воситалари билан безаш бўйича услубий тавсиялар тайёрлаш, танлов ва интеллектуал ўйинлар ўтказиш дастурини ишлаб чиқиш, саҳна асарларининг ёшлар тарбиясидаги ролини ошириш мақсадида, мактабларида ҳаваскорлик театр тўгаракларини ташкил этиш каби қатор вазифалар белгиланди.

Д.ШАРИПОВА.

БАҲОНИ МЕҲМОНЛАР БЕРАДИ

Энг азиз ва энг улуғ байрамимиз тобора яқинлашмоқда. Туманимиз аҳли байрамни ҳар йилгидек маҳаллаларини обод ва кўркам қилган ҳолда кутиб олиш тараддудида. Шу мақсадда дам олиш кунлари туманимизда ободонлаштириш ишлари бошлаб юборилди. Хонадонлар аҳли кўчалари, уйлари атрофини бегона ўтлардан тозалаш, гулларга ишлов бериш, лотокларни тозалаш ишларини амалга оширишди. Чиқиндиларни ташиб кетиш ташкил этилди.

► *Тараддуд*

Бундай савобли ишлар қабристонларда ҳам давом эттирилди. Теварак-атроф қуриган ўтлардан тозаланди.

Одамнинг кўп юрадиган жойи кўчалар, назари кўп тушадиган жой ҳам кўча. Бунда кўча ёқаларидаги тураржойлар, хизмат кўрсатиш шаҳобчаларининг кўриниши алоҳида аҳамият касб этади. Чиройли жойлардан кўз яйраса, дарахтлар, симёғочлар, бекатларга палапартиш илиб қўйилган турли реклама ва эълонлар одамнинг дилини хира қилади. Шу боисдан ҳам белгиланмаган жойларга илинган бундай реклама ва эълонларни олиб ташлаш ишлари амалга оширилмоқда.

Мактабларда эса ўқув даргоҳини янги ўқув йилига тайёрлаш ишлари якунланиш арафасида.

Афсуски, тураржойларимизнинг кўркам кўринишга келишига хизмат







қиладиган ҳашарларда барча бирдек ҳаракат қилаётгани йўқ. Бу ишлар айрим маҳаллаларда суст кетмоқда, айримларида эса ҳамон бепарволик... Бундай маҳаллаларни қўшни маҳаллалардан ибрат олишга чорлаб қолардик. Токи ободлик туманимизнинг барча маҳаллаларида бирдек ҳукм сурсин. Бу эса маънавиятимизга берилган баҳо бўлади.

Жамила АРСЛОНОВА.

ISTIQBOL
2025-yil 15-avgust / Juma / № 32 (6184)

► *Ўқитувчи ва мураббийларнинг анъанавий август анжумани олдидан*

ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШГА ЗАМИН МАКТАБДАН БОШЛАНАДИ

Мамлакат келажаги, барча соҳалар ва лойиҳалар муваффақияти билимли инсонларга боғлиқ. Шу боисдан ҳам Халқ таълими Ўзбекистонда ижтимоий сиёсатнинг устувор йўналишларидан биридир. Айнан мактаб таълимининг сифати ва қулайлиги давлатнинг ривожланиш истиқболларини акс эттириб, юқори малакали кадрлар тайёрлаш учун замин яратади. Кейинги йилларда таълим сифатини яхшилаш, ўқитувчилар мавқеини юксалтириш бўйича кўп ишлар қилинди. Бу борада туманимизда ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Бўлимимиз тасарруфида 39 та мактаб, 117 та мактабгача таълим ташкилотлари бор, шундан 31 та давлат, 23 та хусусий, 2 та давлат-хусусий шерикчилик асосидаги ҳамда 58 та оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари фаолият юритиб келмоқда.

2025 йилнинг II чорагига келиб тумандаги 3-7 ёшгача бўлган болалар сони жами 14566 нафарни ташкил этиб, шундан 9287 нафар болалар тумандаги мактабгача таълим ташкилотларига қамраб олинган.

Тумандаги умумий ўрта таълим мактаблари ва мактабгача таълим ташкилотлари қошида 30 та мажбурий таълим гуруҳлари ташкил этилиб, уларга жами 786 нафар, мактабгача таълим ташкилотларидаги мактабга тайёрлов гуруҳларига 1536 нафар, нодавлат мактабгача таълим ташкилотларига 98 нафар 6 ёшли болалар қамраб олинди.

Туманда 200 ўринга мўлжалланган “Илк ривожланиш маркази” ташкил этилди, ҳашар йўли билан таъмирдан чиқарилди, жиҳозланди, фаолият ва ўйин марказлари ташкил этилди.

Мактабгача таълим ташкилотларида таълим-тарбия жараёнини сифатини яхшилаб, бошқарув ходимларининг билим даражасини ошириш мақсадида 4 нафар МТТ директорлари “менежерлик” сертификатини олиш учун малака оширди. Шунингдек, мактабгача таълим ташкилотларида фаолият юритаётган 60 нафар педагог малака ошириш курсларига йўналтирилди.

Мактабгача таълим ташкилоти педагогларининг касбий маҳоратларини ошириш мақсадида тумандаги 16 ва 18-сонли давлат мактабгача таълим ташкилотлари “Таянч МТТ” сифатида тасдиқланиб, бугунги кунда мазкур ташкилотларда “Методик маҳорат кунлари”, барча мактабгача таълим ташкилотлари педагоглари томонидан “Методик маҳорат соатлари” тадбирлари олиб борилмоқда.

Туманда жами 1884 нафар педагог фаолият олиб боради. Шулардан 1625 нафари олий маълумотли, 126 нафари тугалланмаган олий, 18 нафари ўрта махсус маълумотли педагоглар. Тоифалари бўйича 142 нафари олий тоифали, 392 нафари биринчи тоифали, 580 нафари иккинчи тоифали, қолган 730 нафари мутахассис педагоглардир.

2024-2025 ўқув йилида тумандаги 39 та мактабда жами 29162 нафар ўқувчилар таълим –тарбия олишди.

Ўқув йили давомида ўқувчилар билан турли тадбирлар, фан олимпиадалари, кўрик-танловлар, спорт мусобақалари ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг соврини учун "Хорижий тилларни ўқитиш бўйича энг яхши мактаб" танловининг туман босқичида 1-ўринни эгаллаган 22-мактаб жамоаси 100,0 млн. сўм пул мукофоти, 2-ўринни эгаллаган 11-мактаб жамоаси 75,0 млн. сўм пул мукофоти, 3-ўринни эгаллаган 19-мактаб жамоаси 50,0 сўм пул мукофоти билан тақдирландилар. Ушбу танловнинг вилоят босқичида 22-мактаб ўқувчилари 2-ўринни эгаллаб, 200,0 млн. сўм пул мукофотини қўлга киритдилар.



Вилоятда ўтказилган Халқаро иқтисод олимпиадасида 14-мактабнинг 11-синф ўқувчиси У. Қўчқоров 4-ўринни эгаллади, Халқаро информатика олимпиадасида эса 14-мактабнинг 10-синф ўқувчиси Муҳаммад Тожиддинов вилоят терма жамоасига аъзо бўлди.

Асосий фан олимпиадасида ўқувчилар 13 та фан бўйича ўзаро беллашдилар. Туман босқичида ғолибликни қўлга киритган 107 нафар ўқувчи вилоят босқичида иштирок этиш шарафига муяссар бўлди. Улардан 4 нафари вилоят босқичида ҳам фахрли ўринларни эгаллади.

Апрель ва май ойларида туман ҳокими ташаббуси билан мактабларнинг 8-11-синф ўқувчилари ўртасида математика, физика, кимё, биология, она тили ва адаиёт фанларидан туман олимпиадаси ўтказилди. Олимпиадада 1, 2, 3-ўринларни қўлга киритган 60 нафар ўқувчи туман ҳокимининг Фахрий ёрлиғи ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Ўқувчиларни тил ўрганишга қизиқтириш мақсдиа тумандаги 13-мактабга Россия Федерациясидан рус тили ўқитувчиси Ирина Мамеева, 14-мактабга Филиппин давлатидан бир нафар инглиз тили ўқитувчиси келиб, ўқув йили мобайнида болаларга тил ўргатишди.

2024-2025 ўқув йилда тумандан 6 нафар иқтидорли ўқитувчиларимиз Вазир устамасини олишга эришди.

Тумандаги 36 та умумий ўрта таълим мактабларининг 11-синфини 2024-2025 ўқув йилида 1455 нафар ўқувчи тамомлади. Битирувчиларнинг 46 нафари олтин ва 1 нафари кумуш медаль соҳиблари бўлишди. Уларнинг 28 нафари муддатидан олдин талаба бўлишга эришдилар.

Битирувчиларнинг 1019 нафари Ўзбекистондаги давлат олий таълим муассасаларига, 223 нафари Ўзбекистондаги нодавлат олий таълим муассасаларига, 7 нафари қўшни давлатлардаги олий таълим муассасаларига, 8 нафари Хорижий давлатлардаги олий таълим муассасаларига ўқишга кириш учун ҳужжат топширган эди.

Ўзбекистондаги давлат олий таълим муассасаларига ўқишга кириш учун тест топширган 1019 нафар битирувчиларнинг ўртача бали 77 фоизни ташкил этди.

Тумандаги инглиз тили ўқитувчиларининг 153 нафари халқаро ва миллий сертификатларга эга.

Жорий йилнинг 6 ойида режадаги 221 нафар педагог Тошкент вилояти педагогик Маҳорат марказида ўз касбий маҳоратларини ошириб келди.

Тумандаги таълим муассасаларида жами 989 та фан тўгараклари ташкил этилган бўлиб, уларга 17031 нафар ўқувчи, 146 та спорт тўгаракларига 5518 нафар ўқувчи жалб этилган.

Ўқувчилар давоматини яхшилаш, жиноят ва ҳуқуқбузарликнинг барвақт олдини олиш мақсадида ҳамкор ташкилотлар билан “Давомат ва тиғ”, “Тунги рейд” тадбирлари ўтказилиши йўлга қўйилган.

Ўқув йили давомида Ўзбекистон халқаро Ислом Академияси доцент ўқитувчилари иштирокида барча таълим муассасаларида "Жаҳолатга қарши маърифат" ҳамда “Шукроналик” мавзуларида суҳбатлар ўтказилди.

Режа асосида 9-11-синф ўқувчиларининг Ҳарбий қисмларга саёҳатлари ташкил этилди. Иқтидорли ўқувчилар ўртасида “Жадидлар изидан”, “Мирзо Улуғбек ворислари”, “Турон мактаб театри”, “Иқтидор мактаб ансамбли”, “Заковат”, “Яшил чироқ” танловлари ўтказилди.

Шунингдек, йил давомида ўтказиб борилган кўрик-танловларда ўқувчилар фаол иштирок этишиб, муваффақиятларга эришдилар.

Таълим муассасаларида ёз давомида ўқувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш мақсадида маҳаллалар билан ҳамкорликда “Долзарб 90 кунлик” режа асосида турли хил фан тўгаракларини ташкил этилди, маданий-маънавий тадбирлар ўтказилди.

2025-2026 ўқув йили учун вилоятга 328266 дона дарслик ва ўқув-қўлланмаларига буюртма берилди.

Ўқувчиларнинг бадиий китоб ўқишга бўлган қизиқишларини ошириш учун туман ҳокимлиги томонидан 60 миллион сўмлик, 43 номдаги 1798 дона бадиий китоблар мактабларга тарқатилди. Июнь ойида бюджет маблағлари ҳисобидан мактаблар кутубхоналари 159 млн. сўм миқдордаги 75 номдаги жами 5148 дона бадиий адабиётлар билан бойитилди.

14-умумий ўрта таълим мактабига Тошкент вилояти маҳаллий маблағлар ҳисобидан 17 дона, республика маблағлари ҳисобидан ҳар бир мактабга 17 донадан жами 68 дона замонавий компьютерлар берилди.

Айни кунларда 180 ўринли ДМТТда давлат инвестиция дастури асосида мукаммал таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда, 29-ДМТТнинг эски биноси бузилиб, янги бино қурилмоқда. 23 ва 38-мактаблар капитал реконструкция қилинмоқда. 23-мактабга 168 ўринли қўшимча бино, 38-мактабга янги 540 ўринли қўшимча ўқув биноси қурилмоқда.

“Ташаббусли бюджет ” лойиҳаси доирасида 2 та мактаб ва иккита Давлат мактабгача таълим ташкилоти таъмирланади.

Туманимизда ўқувчиларнинг пухта таълим олишлари, ўқитувчиларнинг эса сифатли дарс ўтишлари учун барча шароитлар яратилмоқда. Бу каби хайрли ишлар эса яна давом этади.

Илҳом ХОЛМИРЗАЕВ,
туман Мактабгача ва мактаб таълими бўлими мудири.

ISTIQBOL
2025-yil 15-avgust / Juma / № 32 (6184)

НИКОҲДАН АВВАЛГИ САБОҚЛАР

Туман Оила ва хотин-қизлар бўлими ҳамда ФҲДЁ бўлими ҳамкорлигида ташкил этилган “Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш” мактаби қурилажак оилаларга никоҳдан аввалги сабоқни бермоқда.



Никоҳланувчи ёшлар ўртасида оиланинг нақадар муқаддас эканлиги, оилавий муносабатлар, келгусида бола тарбияси масъулияти каби қатор мавзуларда ўтказилаётган суҳбатлар оилалар мустаҳкамлигига хизмат қилиши шубҳасиз.

Яқинда мактабнинг навбатдаги муҳим ўқув машғулотлари бўлиб ўтди. Унда июль ойида никоҳларини расмийлаштириш учун ариза топширган 12 жуфт ёш оила қурувчилар иштирок этишди.

Тадбирда туман прокурори Алишер Жўраев, Оила ва хотин-қизлар бўлими бошлиғи Саодат Усмонова, “Бувижонлар мактаби” раҳбари Анзират Юсупова, “Дорус-салом” жоме масжиди имом-хатиби А.Хазратқулов “Оила мактаби” раҳбари Холида Нурматовалар томонидан ёшларга ҳуқуқий, психологик, маънавий-маърифий ҳамда диний йўналишларда сабоқлар берилди. Она ва бола соғлиғини асраш, ўзаро ҳурмат ва сабр-тоқат, муносабат маданияти, ибратли ота-она бўлиш каби долзарб мавзулардаги суҳбатлар ёшларни эътиборсиз қолдирмади.

Ўқув курсини муваффақиятли якунлаган ёшларга махсус сертификатлар топширилди.

Ж.АМИРОВА.

► *Тайинлов*



Абдувалиев Суннатилла Абдуҳалим ўғли – Тошкент вилояти Зангиота тумани Ёшлар ишлари бўлими бошлиғи лавозимига тайинланди.

Тайинловга қадар, Суннатилла Абдувалиев Зангиота тумани ҳокимлиги бош мутахассиси лавозимида фаолият юритиб келган.

Зангиота тумани ҳокимлиги жамоаси номидан Суннатилла Абдувалиевни янги масъулиятли вазифа билан табриклаб, келгуси ишларига омад тилаймиз!

"ҚАҲРАМОН"НИНГ ҚАҲРАМОНЛАРИ







– Арчаларнинг чиройли ўсиши учун уларни билиб парвариш қилиш зарур, – дейди Дилмурод ака. –Ҳар мавсумда ўз вақтида доривор воситалар ва ўғитлар билан парваришладик. Арчанинг бу тури юртимиз иқлимига унчалик мослашмаган, шунинг учун алоҳида парвариш керак бўлди.

Меҳнатнинг таги – роҳат, деганларидек, ҳозирда кичик арчаларнинг нархи 400–500 АҚШ долларидан бошланса, катталари 1000 долларгача боради. Ҳозирда бу ерда 110 дан ортиқ арча кўчатлари бор. Ҳар бирига қараб кўзингиз тўймайди.

– Арча ҳавони фильтрлайди, чанг, тутун ва зарарли газларни баргларида ушлаб қолади, – дейди Дилмурод ака.

Бундан ташқари, арчалар четларида банан, малина ва черри помидорларига ҳам кўзингиз тушади – улар ҳам меҳр билан парваришлангани кўриниб турибди.

– Черри помидори бошқа навларга қараганда касалликларга чидамлироқ. Агар помидор эксангиз, ёнига райҳон экиш керак, шунда помидор унчалик касалланмайди, – дейди Дилмурод ака.

Ҳовлидаги сўриларда кичик халтачаларга қурутлар илиб қўйилган, уларнинг атрофида эса 10 дан ортиқ тувакдаги ноёб гуллар яшнаб турибди. Бу гўзалликда Гулчеҳра опанинг ҳиссаси беқиёс. Тувакдаги гулларни етиштириш – унинг энг севимли машғулотларидан. Ундан гул парвариши бўйича маслаҳат сўраб келувчилар кўп.

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

Ушбу файзли хонадон эгалари Дилмурод ака ва Гулчеҳра опа Зангиота тумани бўйича "Намунали оила" танловида ғолиб бўлишган. Ҳозирда улар икки ўғил, бир қизнинг ота-онаси ва беш нафар набиранинг меҳрибон бобо-бувисидир.

Дилмурод ака ва Гулчеҳра опа мактабда бошланғич синфдан бирга ўқишган. Икки синфдош ҳозир ҳаёт йўлларини чиройли ва бошқаларга ўрнак бўлиб давом эттирмоқдалар. Дилмурод ака "Қаҳрамон" маҳалласи раиси сифатида фаолият юритган ва маҳалладошлари унинг раислиги даврида кўплаб фойдали лойиҳалар амалга оширилганини эслашади.

ТОМОРҚАМ – ХАЗИНАМ

Маҳалланинг ишбилармон намунали оилаларидан яна бири – Ҳамидуллаевлар хонадони.

Улар хонадонида 2 йил олдин 3 сотих ерга иссиқхона қурган. Хонадонга кириб борганимизда, Малика опа келинлари билан иссиқхонада меҳнат қилаётган экан. Унинг айтишича, ўтган йили иссиқхонага помидор экишган ва ундан 10 миллион сўмдан ортиқ фойда кўришибди. Харидорлар маҳсулотни бевосита хонадоннинг ўзидан олиб кетади.

– Бу йил эса бодринг экдик, ҳадемай улар ҳам ҳосилга киради, – дейди Малика опа.

Биз эса хирмонга барака тилаб, яна бошқа хонадонга йўл олдик.

МЕБЕЛЛАРНИНГ ТАЛАБГОРЛАРИ КЎП

Маҳаллада мебелсозлик билан шуғулланадиган тадбиркорлар ҳам кўп, улардан бири – Худойбердиевлар оиласи. Бу хонадонга қачон кирсангиз, қизғин ишнинг устидан чиқасиз. Сирожиддин Турғунов 2016 йилдан бери мебелсозлик билан шуғулланади. Ҳозирда 15–20 га яқин шогирдлари бор. Ҳатто Самарқанд ва Наманган вилоятларидан келиб, Сирожиддин акадан мебелсозлик сирларини ўрганиб кетишади. Ҳозирда корхонада 4–5 ишчи меҳнат қилаяпти. Ойига 20 дан ортиқ мебеллар профессионал тарзда ишлаб чиқарилади. Корхонада энг асосийси – сифат. Мебелларга асосан ижтимоий тармоқлари орқали буюртмалар тушади. Мебелларга ҳозирда юртимиз ички бозорларида талаб катта.





– Илк бор бу бизнесни бошлаганимда ҳали тажрибам йўқлиги сабаб бироз қийналганман. Лекин кейин аста-секин ишларимиз юришиб кетди, – дейди Сирожиддин ака. – Келажакдаги мақсадим бозорга янада сифатли мебелларни олиб кириш.

Сирожиддин акага ушбу соҳада йўл-йўриқ кўрсатадиган акаси Музаффар Худойбердиев ҳам мебелсозлик билан шуғулланади. У бу соҳа сирларини Германия ва бошқа Европа давлатларига бориб, малака ошириб ўрганган. Ҳозирда унинг корхонасида 6 ишчиси бор. Келажакда тадбиркорлигини янада кенгайтириш нияти бор.

ШОГИРДЛАРИ 30 НАФАРДАН ОШДИ

Маҳаллада спортда катта ютуққа эришаётган ўғлонлар ҳам бор. Улардан бири – кикбоксинг бўйича Ўзбекистон чемпионати ва Ўзбекистон кубоги совриндори Бегзод Муродов. У 13 йиллик тажрибага эга профессионал спортчи. Ҳозирда унинг 30 дан ортиқ шогирдлари бор. 23 ёшли Бегзод Муродов 2023 йилда Жаҳон чемпионатида 3-ўринни эгаллаган. Ҳозирда 40-мактабда спорт тўгарагида шогирдларига таълим бермоқда.

“Устоздан ўтмаган шогирд – шогирд эмас”, деганларидек, унинг шогирдлари ҳам катта ютуқларга эришмоқда. Чунончи, 18 нафар шогирди мусобақаларда юқори ўринларни эгаллаб келмоқда.



Бегзод Муродов ҳар бир ютуғида устози Дилшод Ҳакимов номини алоҳида таъкидлайди. Ҳозирда жамоаси билан биргаликда октябрь ойида бўлиб ўтадиган “Ўзбекистон Open” танловига астойдил тайёргарлик кўрмоқда.

"Қаҳрамон"нинг қаҳрамонлари рўйхатини яна узоқ давом эттириш мумкин. Бу маҳаллага келган киши наинки яшил боғлар ва чиройли гуллардан баҳра олади, балки самимий инсонлар билан суҳбатлашиб, нуронийларнинг дуоларини олиб, баҳри дили очилади.


Ирода АБДАЗИМОВА.

ISTIQBOL

2025-yil 15-avgust / Juma / № 32 (6184)







ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИ ЯҚИН:

ҚУРИЛИШ, ТАЪМИРЛАШ ИШЛАРИ ҚАЙ ДАРАЖАДА?

Жорий йилда “Қуёшли” маҳалласи ҳудудидаги 38-умумтаълим мактаби учун 540 ўринли янги қўшимча ўқув биноси қуриш режалаштирилган бўлиб, лойиҳа қиймати 5 млрд. 200 млн. сўмни ташкил этади. Жорий йилнинг 7 июлида бошланган қурилиш ишлари 15 октябрда тугалланиши керак. Бугунги кунда қурилиш объектида 24 нафар ишчи меҳнат қилмоқда. Ишлар график режадан чиқмаган ҳолда амалга оширилаётгани маълум бўлди.

“Кенгкечик” маҳалласидаги 23-умумтаълим мак-

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)



табни реконструкция қилиш, 120 ўринли янги бино қурилиши режалаштирилган эди. 10 июлда бошланган иш 1 октябрда ниҳоясига етиши керак. Қурилиш ишлари бошланганлигига қарамай ишчилар сони кам. Бу эса объектнинг ўз вақтида сифатли қилиб топширилишига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Маълумки, “Фаробий” маҳалласи ҳудудида янги 528 ўринли умумтаълим мактаби (12х24 ўлчамдаги спорт зали билан) қурилиши бошланган эди. Қувонарли жиҳати шундаки, мазкур мактаб қурилиши ниҳоясига етказилган. Ўқувчиларнинг бу илм масканида яйраб ўқишлари учун барча шароитлар яратилмоқда.

Кўп йиллик муаммо ечим топиб, ниҳоят “Қаҳрамон” маҳалласи аҳли мактабгача таълим ташкилоти ташкил этиш орзусига эришди. 40-мактабнинг собиқ филиали 2 млрд. 400 млн. сўмлик 180 ўринли ДМТТ давлат инвестиция дастури асосида мукаммал таъмирланмоқда. Боғча сентябрь ойида кичкинтойларни ўз бағрига олади. Бинони таъмирлаш бўйича жадал олиб борилаётган ишлар бундан дарак бериб турибди.

“Туропобод” маҳалласи ҳудудидаги 29-ДМТТнинг ҳам эски биноси бузилди. Ҳозирда бу ерда 3 млрд. 600 млн. сўмлик 120 ўринли янги бинони қуриш ишлари амалга оширилмоқда. Объектда 29 нафар қурувчи ишламоқда.

Туманимизда келажак авлоднинг яйраб вояга етиши, пухта ва сифатли билим олиши учун яратилаётган бу каби қулайликлар, шубҳасиз, давлатимизнинг фарзандларимизга қаратаётган катта эътибори намунасидир.

Гулнора ТУРСУНОВА,
Халқ депутатлари Зангиота тумани Кенгаши котибияти мудири.

► *Тадбир*

ОИЛАЛАР САҚЛАБ ҚОЛИНДИ

Туман Оила ва хотин-қизлар бўлими, Фуқаролик ишлари бўйича Зангиота туманлараро суди, туман бош имом-хатиби ҳамда туман “Нуронийлар” кенгаши ҳамкорлигида Зангиота туман ҳокимлиги мажлислар залида “Оила – муқаддас қадрият” мавзусида амалий тадбир бўлиб ўтди.



Уни ўтказишдан мақсад нотинч оилаларни муросага келтириш, ажрим арафасида турган эр-хотинлар ўртасида келишувга эришиш ҳамда фарзандлар тарбиясига алоҳида эътибор қаратиш эди.

Тадбирда ажрашиш мақсадида судга мурожаат этган оилалар вакиллари, уларнинг ота-оналари ҳамда соҳага алоқадор мутасаддилар иштирок этишди.

Тадбирда никоҳдан ажралган оиланинг кейинги тақдири тасвирланган “Фарзанд омонат” номли қисқа метражли бадиий фильмнинг намойиш этилганлиги айрим ёшларни ўйлашга, мушоҳада юритишга ундаган бўлса ажабмас. 2 та оила хатосини тушуниб яраши. Яна 3 та оилага эса ўйлаб олишлари учун муҳлат берилди.

Ўз мухбиримиз.

► *МАҲАЛЛА: қисқа хабарлар*

ЯШАШ ШАРОИТЛАРИ ЯНАДА ЯХШИЛАНМОҚДА

Ўтган ярим йил ичида туманимиз маҳаллларида эътиборга молик катта ишлар амалга оширилди. Айниқса, одамларнинг яшаш шароитларини янада яхшилаш борасидаги саъй-ҳаракатлар диққатга сазовордир. Қуйида уларнинг айримларини эътиборингизга ҳавола этамиз.

ДЎСТЛИК. Маҳалланинг 2-микрорайон кўчасига тадбиркорлар томонида 2 та кузатув камераси ўрнатилди.

ХЎЖАМОЗОР. Маҳаллага 10 та кузатув камералари ўрнатилди. “Янги авлод” кўчасининг 500 метри асфальт қилинди, носоз симёғочлар янгисига алмаштирилиб, симлар тортилди, янги трансформатор ўрнатилди. Ўзини ўзи банд қилган бир нафар фуқарога имтиёзли кредит асосида тикув машинаси олиб берилди ва ўзини ўзи банд қилиш орқали 11 нафар аёлнинг бандлиги таъминланди.

АЛИМБУВА. “Алимбува” кўчасининг 210 метр қисмида пиёдалар йўлаги ташкил этилди, 8 та кўчага ёритгичлар ўрнатилди. Шунингдек, 3 та кўчадаги яроқсиз симёғочлар 20 та бетонлисига алмаштирилди.

ТЎҚИМАЧИ. Маҳаллага 9 та кузатув камералари ўрнатилди. Кўчаларнинг 1100 метри ҳашар йўли билан асфальтланди. “Ўзбекистон 2” кўчасига янги трансформатор ўрнатилиб, 300 метр электр сими тортилди.

САХОВАТ. Маҳаллада 28 та фейс камера, 3 та қутқарув сигнали, 14 та кузатув камералари ўрнатилди.

БАЛИҚЧИ. Маҳаллада 7 та кузатув камералари ўрнатилди. “Балиқчи” шоҳ кўчасига ТП, 45 та бетон таянчлар ўрнатилди, 3.2 км. кабеллар тортилди. “Балиқчи” шоҳ кўчасининг 2.5 км. асосий йўли асфальтланди. Ҳомийлар томонидан 31- мактабга футбол майдончаси қурилди. 1.3 км.узунликда бетон латок қилиниб, 260 та хонадон томорқасига сув етказилди. Шунингдек, камбағал оилаларнинг бирининг уйлари қайта таъмирланди, бир оилага қуёш панели ўрнатилди, бир фуқарога нон ёпиши учун печ олиб берилди, икки фуқарога уй қуришлари учун қурилиш материаллари олиб берилди.

БОҒИШАМОЛ. “А.Навоий” шоҳ кўчасининг кириш-чиқиш жойига 6 та видеокамера ўрнатилди. “Янгиобод” кўчасига 10 та бетон симёғоч ва 10 та тунги ёритгич ўрнатилди.

ЧИНОР. “Беҳизор” кўчасига 3 та кузатув камераси ўрнатилди ҳамда шу кўчанинг 12 та бетон симёғочига чироқлар ўрнатилди.

ЗАРАФШОН. “Ёшлик” кўчасига 6 та бетон устун ўрнатилиб, 300 метр масофага электр сими тортилди. Кўчаларга 4 та кузатув камералари ўрнатилди. “Хумо” кўчасида автобус бекати барпо этилди.

Маҳалла идорасида нуронийлар учун бир хона ажратилиб, нуронийлар маскани фойдаланиш учун топширилди. Маҳалла идорасида кутубхона ташкил этилди.

М.М.ХОРАЗМИЙ. “Омад”, “Назарбек” кўчаларининг 650 метрига асфальт ётқизилди, “Хоразмий” ва “Омад” кўчаларининг 600 метрига оқава сув учун лоток ўрнатилди. 4 та кўчага 12 та тунги ёритгичлар ўрнатилди. “Эъзоз” 6-тор кўчасидаги яроқсиз симёғочларнинг 9 таси бетонлисига алмаштирилди.

Бу каби ишлар тумандаги бошқа маҳаллаларда ҳам амалга оширилмоқда.

Ж.АМИРОВА.

ISTIQBOL

2025-yil 15-avgust / Juma / № 32 (6184)

► *Тараддуд*

КУЗ-ҚИШ МАВСУМИГА ТАЙЁРГАРЛИК



Туман Фавқулодда вазиятлар бўлими ҳарбий хизматчи ва ходимлари, туман электр таъминоти корхонаси, “Ҳудудгазтаъминоти” филиали, Ёнғинга қарши кураш жамияти ҳамда бошқарув сервис компаниялари вакиллари ҳамкорлигида куз-қиш мавсумига тайёргарлик ишларини кучайтирилмоқда. Улар ҳамкорликда фуқароларнинг ис газидан заҳарланиши, газ-ҳаво аралашмаси чақнашидан келиб чиқиши мумкин бўлган фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, шунингдек, ёнғин хавфсизлигини таъминлаш бўйича профилактик тадбирларни амалга оширишмоқда. Соҳа ходимлари маҳаллаларда бўлишиб, бу борада аҳоли билан суҳбатлар ўтказишмоқда.


Шунингдек, аҳолига эслатма ва йўриқномалар тарқатилмоқда.

Ўз мухбиримиз.

► *Суд залидан*

ЯКУНИГА ЕТМАГАН “ХОЛИС ХИЗМАТ”

Сурхондарёлик Содиқ Зуфаров (исм-фамилиялар ўзгартирилган) айни куч-ғайратга тўлган 20 ёшини қаршилаган. Бу ёшида катта ишларга қўл уриши, юрт равнақи йўлида сидқидилдан меҳнат қилиши мумкин эди. Лекин у нотўғри йўлни танлади. Пойтахтда яшаб туриб бирорта фойдали иш билан шуғулланмади. Телефонга муккасидан кетиб, телеграмдан бош кўтармади.



Ҳаммаси 2023 йилнинг декабрь ойида телефонидан фойдаланиб ўтирганидан бошланди. Қараса гиёҳвандлик моддалари сотиладиган каналга уланиб қолибди. Қизиқиш пайдо бўлди. Истеъмол қилиб кўриш мақсадида гашиш гиёҳвандлик воситасини сотиб олди...

2025 йил 11 март куни кечқурун унинг гашиш гиёҳвандлик воситаси истеъмол қилишидан хабари бўлган таниши Одилбек қўнғироқ қилиб қолди.

– Оғайни, менга гашиш воситасидан топиб бергин, – деди.

– Ўзимда йўқ эди-я, – деди Содиқ, – 400.000 сўм берсанг телеграмдан буюртма бериб олиб беришим мумкин.

Одилбек унинг таклифига рози бўлди. Содиқ эса буюртма берди. Кейин буюртмани Тошкент шаҳар Чилонзор тумани ҳудудидаги “Корзинка” номли савдо дўкони орқасидаги болалар майдончаси ёнидаги яширилган жойдан олгач, Одилбек билан телефон орқали боғланиб, турган жойига чақирди. Лекин унинг “холис хизмати” якунига етмай қолди. Соат 21:15 ларда унинг қаршисида ҳуқуқ-тартибот ходимлари пайдо бўлишди.

Зангиота тумани ИИБ ЖҚБ ходимлари томонидан Тошкент шаҳар Чилонзор тумани ҳудудида назоратли тезкор тадбири ўтказилганда махсус харидорга гашиш гиёҳвандлик воситасини қонунга хилоф равишда сотганида жиноят устида холислар иштирокида ашёвий далил билан ушланди. Содиқнинг эгнидаги кийимлари кўздан кечирилганида шимининг ўнг чўнтагида турган телефон аппаратининг орқа томонига ёпишган ҳолатда турган тўқ жигарранг, ўткир хидли сақичсимон модда борлиги ҳамда эгнидаги курткасининг ички чап чўнтагидан тадбирда фойдаланилган бир дона 200.000 сўм ва икки дона 100.000 сўмлик купюраларда жами 400.000 сўм пуллар борлиги аниқланиб, ушбу пулларнинг серия рақамлари назорат остида сотиб олиш тезкор тадбирига тақдим этилган пулларнинг нусхалари билан солиштириб кўрилганида бир хил экани аниқланди.

Содиқ судда ўз айбига чин дилдан иқрор бўлиб, хатосини тушуниб етганини айтди. Лекин қонун барчага баробар, у ўз қилмишига яраша жазосини олди.

Жиноят ҳам, ҳуқуқбузарликлар ҳам, нотўғри йўлларга қадам босиш ҳам бекорчиликдан келиб чиқади. Шундай экан, ҳар бир ота-она фарзандининг ишли бўлишини таъминлаши, назоратни сусайтирмаслиги керак. Фарзанд тарбияси, унинг қадам босишига бефарқ қараган ота-оналар кейин аттанг деб қолишлари аниқ.

С.АВЛАҚУЛОВ,
Жиноят ишлари бўйича Зангиота туман суди раиси.

Навбатдаги МЕҲНАТ ЯРМАРКАСИ

Зангиота тумани Камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлими, вилоят, туман прокуратураси, туман Ички ишлар бошқармаси ҳамда туман Ёшлар ишлари бўлими ҳамкорлигида тумандаги 14-умумтаълим мактабида миграциядан қайтган ва иш сўраб мурожаат қилган фуқароларнинг доимий бандлигини таъминлаш мақсадида кенг қамровли меҳнат ярмаркаси ташкил этилди.

Мазкур ярмаркада 40 та корхона ва ташкилотлар томонидан 320 дан зиёд бўш иш ўринлари тақдим этилди. Тадбирда 225 нафардан ортиқ иш изловчи фуқаролар иш тақдим этган корхоналар билан яқиндан танишдилар, ўзларини қизиқтирган саволларга мутасаддилардан жавоблар олдилар, ўзларига маъқул бўлган корхонада ишлаш истагини билдирдилар.







Ярмарка якунига кўра, 25 нафар фуқаро доимий иш ўринларига жойлаштирилди, 4 нафар иштирокчи касб-ҳунар ўқув марказларига йўналтирилди.

Бундай меҳнат ярмаркалари иш изловчилар учун нафақат янги имкониятлар эшигини очади, балки туманда бандлик даражасини оширишга ҳам хизмат қилади.

Камол АЛМАТОВ,
Тошкент вилояти прокуратураси бўлим бошлиғи ўринбосари.
Ботир ҚАРШИЕВ,
туман прокурори катта ёрдамчиси.

► *Ҳуқуқий эслатма*

Харажатларнинг бир қисми қопланади

Ҳукумат қарори (468-сон, 28.07.2025 й.) билан “In-vitro” шароитида кўпайтирилган пайвандтагли мева ва ток кўчатларини харид қилиш харажатларининг бир қисмини қоплаш тартиби тўғрисида”ги низом тасдиқланди.

Низом тадбиркорларга мувофиқлик сертификати мавжуд бўлган “in-vitro” шароитида кўпайтирилган пайвандтагли мева ва ток кўчатларини харид қилиш харажатларининг бир қисмини қоплаш учун субсидия ажратиш тартибини белгилайди.

Субсидиялар қуйидаги миқдорларда ажратилади:

янги интенсив боғ барпо этган талабгорга ҳамда дала четлари, каналлар, суғориш ва коллектор-дренаж тармоқлари атрофидаги майдонларга экилган мувофиқлик сертификати мавжуд бўлган “in-vitro” шаротида кўпайтирилган пайвандтагли мева кўчатларини харид қилиш харажатларининг 50 фоизи, бироқ ҳар бир мева кўчатига 25 минг сўмдан ошмаган миқдорда;

мувофиқлик сертификати мавжуд бўлган узумнинг данаксиз ва янги нав кўчатларига 7,5 минг сўмдан, маҳаллий ток кўчатларига 2 минг сўмдан ошмаган миқдорда.

Талабгор субсидияни олиш учун “Agrosubsidiya” ахборот тизими орқали қуйидагиларни илова қилган ҳолда ариза билан мурожаат қилади:

соғлом, вируслардан ҳоли бўлган "in-vitro" лабораториясида кўпайтирилган пайвандтагли кўчатларнинг мувофиқлик сертификати нусхаси;



талабгор билан “in-vitro” шароитида кўчат етиштирувчи кўчатчилик хўжалиги ўртасида тузилган олди-сотди шартномаси нусхаси;

кўчатлар сотиб олингани бўйича ҳисоб-фактура, “in-vitro” шароитида кўчат етиштирувчи кўчатчилик хўжалигининг тавсияси ва мувофиқлик сертификати бўйича 3 йиллик кафолат хати.

Ишчи гуруҳ ҳужжатларни 3 иш кунида жойига чиққан ҳолда ўрганади ва субсидия ажратиш мақсадга мувофиқлиги ёки рад этиш тўғрисидаги хулосани тасдиқлайди.



СЕРМАҲСУЛ ИЖОД СОҲИБИ, МОҲИР ХАТТОТ ЭДИ

(Давоми.
Бошланиши ўтган сонда.)

1913–1916 йилларда Чоржўй беклиги қозиси сифатида фаолият юритган Садр Зиё деҳқончилик, вақф ва фуқаролик масалаларини тартибга солади. Мадраса талабаларининг ҳужра билан таъминланиши ва нафақалари миқдорини оширишга жиддий эътибор қаратади. 1916 йил февраль ойи охирларидан Қарши беклиги қозиси лавозимига ўтказилган Садр Зиё бунёдкорлик ишларини амалга оширишда бош-қош бўлиб, Қарши Намозгоҳи ва Жиловхона масжидини таъмирлатади.

1917 йил Россиядаги воқеалар ва биринчи жаҳон уруши оқибатлари Бухоро амирлигидаги ижтимоий-сиёсий жараёнларга ўз таъсирини кўрсатгани яхши маълум. Ислоҳотларга хайрихоҳ бўлган уламолар амир томонидан юқори лавозимларга тайинланар эканлар, 1917 йилнинг 27 мартида Садр Зиёга Бухоронинг қозикалони вазифаси топширилади.

Амир томонидан 1917 йил 7 апрелда ислоҳот фармони имзолангач, “Ёш бухороликлар”нинг Абдурауф Фитрат, Файзулла Хўжаев, Усмон Хўжа бошчилигидаги сўл қаноти шу йилнинг 8 апрелида Бухоро шаҳрида катта намойиш уюштирадилар. Намойиш амир маъмуриятининг қаршилигига учрайди ва “Ёш бухороликлар” таъқиб остига олинади. Уларни қўллаб-қувватлаганликда айбланган Садр Зиё 1917 йил 9 апрелида бор-йўғи 14 кун давом этган қозикалонлик лавозимидан бўшатилади. Бир муддат давлат лавозимларидан четлатилган Садр Зиёни амир Олимхон 1917 йилнинг октябрида Қарши беклиги қозиси этиб тайинлайди.

1918 йил баҳорида Туркистон Халқ Комиссарлари Совети раиси Ф.Колесовнинг Бухорога босқини оқибатида амир Олимхон жадидларни хоинликда айблаб, жазолашни буюради. Қаршида қозилик қилаётган Садр Зиё ҳам инқилобчиларга хайрихоҳликда айбланиб, ҳибсга олинади ва қўлёзма асарлари ёқиб юборилади. Икки ой қамоқда ётган Садр Зиё озод қилинади ва Шаҳрисабз қозиси этиб тайинланади. Унинг фаолиятини назорат қилиш Шаҳрисабз беги, амир Олимхонннинг амакиси Акрамхон Тўра зиммасига юклатилади.

1918 йилда Шаҳрисабз аҳолиси солиқлардан норози бўлиб, Акрамхон Тўрага қарши бош кўтарган пайтда, амир Олимхон қўшбеги Низомиддинхўжа Урганжий бошчилигидаги вакилларини юборади. Аммо уларнинг хатти-ҳаракатлари зое кетиб, қўзғолон кенгайиб бораверади. Натижада Садр Зиё 22 кун давомида қўзғолон раҳбарлари билан музокара олиб бориб, ғалаённи бостиришга муваффақ бўлади.

1919 йил сентябрида Қарши беклиги қозиси этиб тайинланган Садр Зиё бу ерда 1920 йил сентябргача, яъни амирлик тугатилгунга қадар фаолият олиб боради.

Бухоро Халқ Совет Республикаси тузилгач, Садр Зиё янги ҳукуматда Вақф ишлари бўйича масъул, Шариат ишлари бўйича бошқарма раиси ўринбосари, Республика кутубхонаси китобдори лавозимларида ишлайди.

Илмий-адабий мероси. Садр Зиё давлат ишлари билан банд бўлишига қарамай, сермаҳсул ижод қилиб, бир қанча асарлар яратган. Бугунги кунда Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар хазинасида Садр Зиёнинг 9 та жилдга жамланган 70 дан ортиқ рисолалари, тазкиралари ва тарихий асарлари сақланмоқда. Бу китобларнинг тадқиқот доираси кенг бўлиб, Шарқнинг мусулмон мамлакатлари географияси, Бухоро амирлигининг XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларидаги тарихини ўрганишда муҳим манбалар бўлиб ҳисобланади.

(Давоми бор.)
Jadidlar.uz сайтидан олинди.

► *Огоҳ бўлинг!*

ҚУРИГАН ЎТЛАР ЁҚИЛМАЙДИ

Баҳорни интиқ бўлиб кутган майсалар кўзни қувонтириб кўкка бўй чўзади, кейин ёзга келиб уларнинг айримлари иссиқда қурийди. Айнан шу нарса – қуруқ ўт ёнғинлар сонининг кескин кўпайишига сабаб бўлувчи омилга айланиб боради.

Тураржойлар, кўча майдонлари, турли масканлар атрофларидаги қуриган ўтларни тозалаш, йиғилиб қолганларини махсус ажратилган жойларга олиб чиқиб кетилиши лозимлигига кўплар эътибор қилмасдан осонгина ёқиб юборилишига йўл қўйишади. Оқибатда эса арзимас бўлиб кўринган гулханлар, ўчирилмаган сигарета қолдиқлари, болаларнинг шўхлиги туфайли кўчада гугурт ўйнаб оловдан ўзбошимчалик билан фойдаланиш оқибатида моддий зарар келтирувчи, катта талофатларга олиб келувчи ёнғинлар келиб чиқади.

Ёнғинлар натижасида нафақат моддий зарар кўрилади, балки атроф-муҳит об-ҳавосига зарарли таъсир кўрсатадиган турли заҳарли газлар чиқиши, ёнган ўтлар ўрнида қора тусга кирган дилни хира тортишига сабаб бўлувчи ёқимсиз манзара пайдо бўлиши ҳеч кимга сир эмас.

Кундалик ҳаётимизда учраб турадиган бу каби кўнгилсиз ходисалар содир бўлмаслиги учун ҳар бир фуқаро эътиборли бўлиши, болаларни гугурт билан ўйнашига йўл қўймаслиги, ўзи ҳам дуч келган жойда қуриган ўтлар ва чиқиндиларни ёқишдан тийилиши керак.

Асомиддин ТОШБОЕВ,
туман ФВБ П ва НБ катта инспектори.

► *Мутахассислар маслаҳати*

Иссиқхоналарда касалликларга қарши кураш

Иссиқхоналар турли касаллик ва зараркунандаларнинг қишлаб қолиши ва кўпайиши манбаидир. Бунга оққанот, ўргимчак ва занг кана, ширалар, касалликлардан ун шудринг, сохта ун шудринг, қўнғир доғланиш ва фомоз каби замбуруғли ҳамда вирусли касалликларни келтириш мумкин.

Иссиқхонада намликнинг ортиши, ҳароратнинг кўтарилиши туфайли ун шудринг ва сохта ун шудринг касали бодрингга зарар келтирса, помидор баргларини қўнғир доғланиш ва фомоз кўпроқ зарарлайди.

Бодрингдаги ун шудринг ва сохта ун шудринг, помидорда қўнғир доғланиш касалига қарши 25 фоизли Байлетон, 70 фоизли Топсин, 80 фоизли С.П Олтингугурт, 60,7 фоизли Превихур пуркаш тавсия этилади.

Иссиқхонани тез-тез шамоллатиб туриш ва намликнинг ортишига йўл қўймаслик, 70 фоизли Топсин-М, Медний купоросини сепиш мақсадга мувофиқ.

Э.БОЙҚОБИЛОВ, Х.МУРОДУЛЛАЕВ, Б.АЛИБЕКОВ, Г.НОРМЎМИНОВ,
Ўсимликлар карантини ва ҳимояси “Навоий” УКЧМ инспекторлари.

Эълон

ИСТЕЪМОЛЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Рақобатни ривожлантириш ва Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармасининг 2023 йил 9 ноябрдаги Н-11-01/03-4705-сонли “Табиий монополия субъектларини давлат *реестридан чиқариш тўғрисида”ги Билдиришномасига асосан* “O’ZBEKISTON” МЧЖнинг 2025 йил 7 июлдаги 1/С-сонли ички буйруғига асосан 2025 йил 1 сентябрдан ташкилотимиз томонидан аҳолига еткизиб берилаётган ичимлик суви нархи оширилишини маълум қиламиз.

№	Хизмат тури	Аҳоли хонадонлари	Бюджет ва бюджетдан ташқари юридик ташкилотлар	ҚҚС билан ҳисобланда
1	Ҳисобдон асосида	2 500,00	10 000,00	11 260,00
2	Ҳисобдон мавжуд бўлмаган тақдирда	3750,00	0,00	0,00
3	Ҳисобдон асосида		10 000,00	11 260 ,00

“O’ZBEKISTON” МЧЖ маъмурияти.

ISTIQBOL

2025-yil 15-avgust / Juma / № 32 (6184)

Нуронийлар ДАВРАСИ

Куни кеча тумандаги “Кимё” тантаналар саройида туманда меҳнат қилиб, унинг равнақига муносиб ҳисса қўшган, бугунги кунда кексалик гаштини сураётган бўлсалар-да, ижтимоий ҳаётда ҳамон фаол иштирок этаётган бир гуруҳ нуронийлар жамулжам бўлдилар.





Тадбирда иштирок этган Тошкент вилояти Нуронийлар кенгаши раиси Абдусамад Носиров яқинлашиб келаётган Ўзбекистон мустақиллигининг 34 йиллигини муносиб кутиб олиш учун жойларда олиб борилаётган кенг кўламдаги ишлар, хусусан, Тошкент вилоятида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, ҳар жабҳада қўлга киритилаётган ютуқлар борасида сўзлар экан, буларнинг барчаси мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик, осойишталик эвазига амалга оширилаётганини таъкидлади. Ёшлар тарбияси, оилалар тинчлиги, маҳалла, туман фаровонлиги йўлида ҳамон хормай-толмай ўз ҳиссаларини қўшаётган зангиоталик нуронийларнинг ишларига барака, ўзларига куч-қувват тилади. Шундан сўнг сўз олган туман ҳокими ўринбосари Сирожиддин Носиров, туман Нуронийлар кенгаши раҳбари Облоқул Жўраев ва бошқалар туманда олиб борилаётган ишлар, келгусидаги режалар борасида сўзладилар ва бу режаларни амалга оширишда нуронийларнинг дуоларию кўмакларига суянишларини таъкидладилар.

Туман ҳокимлиги томонидан ёзилган тўкин дастурхон атрофида суҳбатлар қизигандан-қизиди, нуронийлар юртга тинчлик, омонлик тилаб дуога қўл очдилар. Эл суйган хонандалар Бекмурод Жўраев, Аббосжон Ғаффоров, Абдулла Раҳимжонов, туман Маданият бўлимининг хушовоз хонандалари томонидан ижро этилган она ватанни тараннум этувчи куй-қўшиқлар тадбир иштирокчиларига кўтаринки кайфият бағишлади.

Д.ШАРИПОВА.



► *Ибрат*

АМАЛЛАР САВАТИ

Сафарга чиққан киши йўлда ажабтовур боғга дуч келди. Дарахтлари кўкка бўй чўзган, майин барглари шаббодада ёқимли шитирлайди, сархил меваларнинг хуш бўйи димоқни қитиқлайди. Йўловчи боғнинг эгасини топиб, ичкари киришга изн сўради. Боғбон унга рухсат беribгина қолмай, қўлига бир сават ҳам тутқазди.

– Шуни тўлдириб кўнглингиз тусаган мевалардан териб олишингиз мумкин. Фақат бир гап эсингизда турсин: боғга қаршингиздаги дарвозадан кириб, нариги тарафдан чиқиб кетасиз. Орқага йўл йўқ!

Мусофир юраги ҳаприқиб саватни кўтарганча ичкарига қадам ташлади. Ғарқ пишган мевалар “мени уз” дегандек ял-ял ёниб, шундоққина тепасида осилиб турарди. Энди қўлини чўзмоқчи бўлганди, нарироқдаги мевалар кўзини қамаштирди. Олдинга юрган сари дарахтлар кўркамроқ, ҳосили чиройлироқ кўринаверди. Йўловчи шошиб қолдими



ё саватини вақтидан илгари тўлдириб, энг сара мевалардан қуруқ қолишдан чўчидими, ҳар ҳолда боғ этагига етиб келганида... савати бўм-бўш эди. Орқага эса йўл йўқ.

Инсон умрини дунё аталмиш маконнинг бир эшигидан кириб, бошқа эшигидан чиқиб кетувчи йўловчидек яшаб ўтади. Ундаги ҳар кун, ҳар лаҳза хайрли ишлар учун берилган имкониятдир. Бу маконнинг поёни қаердалигини, умр интиҳоси қачон етишини ҳеч ким билмайди. Вақт ғанимат, эзгу амалларимиз “савати” бўш қолмасин...

ТОШГА БИТИЛГАН ЯХШИЛИК



Чўлда кетаётган икки дўст, бир пайт нима бўлди-ю, бир бирлари билан ғижиллашиб қолишди. Шунда дўстларнинг бири иккинчисининг юзига тарсаки тортиб юборди. Тарсаки еганнинг жони оғриди, лекин ҳеч нима демасдан ерга эгилди ва қумга шундай деб ёзди: "Бугун энг яқин дўстим менга тарсаки туширди".

Яна йўлларида давом этишди ва битта воҳага чиқиб олишди. У ерда кўзлари сувга тушди, чанқоқларини қондириш учун шошилишди. Шунда боя тарсаки еган дўст сув бўйидаги ботқоққа тушиб кетиб, чўка бошлади. Дўсти дарров ёрдамга шошилиб, уни ўлимдан қутқариб қолди. Ўзига келгандан кейин, бир оз муддат ўтгач, бу сафар бир тошга шундай деб ёза бошлади: "Бугун энг яқин дўстим ҳаётимни сақлаб қолди". Уни кузатиб турган шериги сўради:

– Тарсаки тортувдим қумга ёздинг, энди эса тошга ёзаяпсан, нима учун?

– Бировдан оғринганимизда қумга ёзишимиз керакки, салгина шабада эсганда ҳам ўчиб кетсин. Аммо бировнинг қилган яхшилигини тошга битишимиз керак. Токи ҳеч бир шамол, бўронлар уни ўчира олмасин…

(“Нишондаги гаплар”дан)

ISTIQBOL

Muassis: Zangiota tumani hokimligi

Bosh muharrir o‘rinbosari
Jamila ARSLONOVA

Tahririyat manzili: Eshonguzar qo‘rg‘oni, tuman hokimligi binosi.
Telefon: 70-97-53-286.

Gazeta haftaning juma kuni chiqadi.
Hajmi 2 taboq, qog‘oz bichimi A3.
Ofset usulida bosildi. Bahosi erkin narxda.

Bosishga topshirish vaqti: 12.00
Bosishga topshirildi: 12.00
1 2 3 4 5 6

Gazeta tahririyat kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Navbatchi: Iroda ABDAZIMOVA

Toshkent viloyati Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar boshqarmasida 2012 yil 24 iyulda 03-015 raqami bilan ro‘yxatga olingan. Nashr indeksi: 64895

“Sharq” nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Toshkent shahri, “Buyuk Turon” ko‘chasi, 41. Adadi – 2850. Buyurtma № G-814.

ISSN 2181-61820